
13/01/2025 #Эътироф: Туман прокуратура ходимлари тақдирланди

Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев 8 январь - Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунида йўллаган табрикномасида (https://t.me/bagdodim_news/48266) - "Юртимиз фаровонлиги, унинг истиқболи юксалиши учун ва ҳар жабҳада қонун устуворлиги, муқаррарлигини таъминлашдаги масъулиятли фаолиятингизни яхши биламан ва қадрлайман" - деган эди.

Бугун туманда турли тадбирлар бўлиб ўтаётганлиги сабаб, фурсатдан фойдаланиб соҳа вакилларига бирма-бир фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Туман "Нуроний" жамғармаси раиси Машрабжон Ҳурбоев ҳам сўз олиб - ўтган 2024-йилда 2-сектор раҳбари, туман прокурори Акмалжон Мухторов бошчилигидаги прокуратура ходимлари Бағдод туманининг турли кўрсатгичлардаги натижаларини ижобий ҳал этилиши, режалари уddalaniishi ва аҳолининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда катта жонбозлик кўrsatiшди. Келгуси фаолиятларингда ҳам омадлар тилаб қоламиз – деди.

2025-01-15 20:12:46